

ҚАҲРАМОНОВНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ



Диққат, янги руқн: «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадри муштарийлар! Тахририятимиз «1998 йил — Оила йили» мубоабати билан шу номда янги руқн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшайдиган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган кўрөний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб борамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, қуйидаги анкетани тўлағиз, газета саҳифасидан қирқиб, бизга жўнатинг:

Фамилияси Эшқобилова
 Исми Зинат
 Отасининг исми Эшқобил кизи
 Қачон, қаерда туғилган 12.02.1898 йил
Сурхондарё вил. Ғазор тум.
Абдуқун қишлоқи
 Ҳозир қаерда яшайди Сурхондарё вил.
Денов тум. Қазорбоғ ж/к
 Узоқ умр кўришнинг сирини саранжом-сарим
 (қисқа баён этилади) талик, озодалик, оеуда ҳаёт
 Юз ёшнинг хулосасини Муетақиллик боқий
 (қисқа баён этилади) бўлиб, оеуло тинчлик бўлиши.
 Фотосурат ҳам илова қилишни керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамыз. Йил сўнгида улар тахририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУҚНИГА деб ёзишни унутманг.

Мен — Ҳамид Қахрамоновни яхши биламан. У ажойиб режиссер, яхши инсон. Бу режиссер қуйган барча саҳна асарларини санаб утирмайман, у — томошабинларга яхши маълум. Узоқ йиллардан буён у киши билан ижодий ҳамкорлик ҳам қилиб келаман. Менинг учта асарим — «Жаннатга йул», «Ранжком», «Соҳибқирон»ни шу режиссер саҳна юзига олиб чиқди. Ҳозир у асарларим ҳақида сузлаб утиришим шарт эмас, аммо Ҳамид Қахрамонов — ҳамма катта санъаткорлар сингари илгор фикрли, катта савия эгаси эканини айтишим шартдир. Ҳамид Қахрамонов нозик дил, асарни қўлга олинганда актрени таллаш иқтидори бор. У қайси асарни саҳнага олиб чиқмасин муаллиф нуқтаи-назарини тез илғайди ва уни томошабинга бекаму куст этказишга ҳаракат қилади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам Қахрамоновнинг қахрамонлари табиий гавдаланади. Ҳар бир шоир, драматург учун бундай режиссер билан ишлаш завқли. Ҳамид Қахрамонов сингари иқтидорли режиссерлар саҳна санъатимизни янги

погоналарга олиб чиқишига ишонаман.

Мен олтинмига кираётган ажойиб санъаткоримизга мустақкам соғлиқ, юксак ижодий муваффақиятлар тилаб қоламан.

Маълумингизким «Соҳибқирон» деб аталган асар

Миллат ва санъат

езган эдим. Албатта бу асар ҳақида айтиб утишим жоиз эмас. Лекин бошқа бир нарсанга диққатингизни тортмоқчиман. Маълумки ҳар қандай пьесага турли режиссер, турли йуллар орқали ендилади. Турлича талқин ҳам қилади. Бунга тарихда мисоллар ҳам жуда кўп. Шунинг учун пьеса спектаклга айланганда спектакль, албатта, бир даражада режиссернинг асарига ва уша театрининг асарига айланади. Шунинг учун ҳам фалон театрининг спектакли деб эълон қилинади. Менинг асаримни Марказий Осиёда туртга театр қуйди. Мен ҳаммасини кўрдим. Бу асарни қўшни Қирғизистоннинг Уш театри ҳам қуйди. Ҳамма театрлар

узларича ҳаракат қилинган. Баъзиларда мен истаган матнлар учрамайди, баъзиларида режиссерлар фантазиясига ортиқча эрк берган, баъзиларида шартлилик кучайиб кетган. Бу ўринда энг муҳими Соҳибқирон қиёфасини еритиш масаласи эди. Бу — жуда нозик масала. Ташқи қиёфа ухшаса ҳам томошабинда катта таассурот уйғотиш мумкин экан. Узоқ йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келатган режиссер дустимиз Ҳамид Қахрамонов Уш театрдан Салоҳиддин Умаров деган актёрни топибди. Худонинг қудратини қарангки, ҳозир биз ҳазрати Амир Темур қиёфасини шу актёр қиёфасига боқиб таниб олишимиз мумкин. Шу қалдар ухшаш, ҳаттоки, қахрамон 68—69 ёшларда, яъни айнан асар қахрамони ешида. Спектаклин томоша қилдик. Ҳамид Қахрамонов саҳналаштирган асарда мен истаган кўп жиҳатлар мавжуд. Уш театрга раҳмат. Бу асар Тошкентда ҳам намойиш қилинди. Умуман, Ҳамид Қахрамоновдан ҳаммамиз миннатдормыз.

Абдулла ОРИПОВ.

АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг (қисқача «Марказ») Тошкент шаҳри ҳудудий бўлими Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 65, 105-моддаларига биноан Тошкент шаҳри ҳудудий бўлими Тошкент шаҳар акциядорлик жамиятлари 1997 молиявий йил тугагандан кейин олти ой муддатдан кечиктирмасдан уларнинг умумий ҳисобот йиғилишларини белгиланган тартибда ўтказишлари лозимлигини маълум қилади. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишларини ўтказишдан олдин акциядорлик жамиятининг йиллик молиявий-ҳужалик фаолиятини мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик текширувдан ўтказилиши шарт.

Умумий йиғилиш ўтказиш санасидан бир ой олдин, умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида эълон, жамиятнинг йиллик якуний молиявий ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб ваарағи матбуотда чоп этирилиши зарур.

Умумий йиғилиш ўтказиш ҳақида барча акциядорларга, шу жумладан, агар жамиятнинг давлат улуши мавжуд бўлса, тегишли давлат органларига ҳам хабар берилиши керак.

Йиғилишлар ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар, унинг натижалари ва акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботлари ўз вақтида Марказнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимига тақдим этилиши лозим.

Аудиторлик текширувлари, умумий йиғилишларни ўз вақтида ва қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказмаслик ҳамда юқоридаги курсатиб утилган ҳужжатларни вақтли матбуотда чоп этмаслик ҳоллари учун энг кам иш ҳақининг 70 баробаридан 800 баробаригача иқтисодий жарималар қўлланилиши алоҳида таъкидланади.

Мурожаат учун телефонлар: 144-61-57, 144-62-57.

Бош муҳаррир АЗИМ СУҲОН

Тахрир хайъати

- Абдулла ОРИПОВ
- Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
- Азиз НОСИРОВ
- Одилжон ОЛИМЖОНОВ
- Ислом ШОҒУЛОМОВ
- Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
- Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
- Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Ўзбекистана»)
- Алимкул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС ЎЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

- Мафкура ишлари ва партия хайъати — 133-76-04, 136-33-40.
- Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
- Иқтисодий — 133-21-43, 136-57-22.
- Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
- Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
- Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
- Халқаро хабар — 133-20-36.
- Санъат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
- Реклама ва эълонлар — 133-47-80, 133-38-55.
- Факс — 133-38-55, 133-54-55.

ВИПОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

- Андижонда — 24-16-48;
- Бухорода — 23-80-06;
- Гулистонда — 25-16-22;
- Жиззахда — 3-31-86;
- Навоида — 3-39-20;
- Наманганда — 6-43-43;
- Нукусда — 7-58-83;
- Каттақўрғонда — 5-33-46;
- Тошкентда — 133-76-04;
- Урганчда — 6-51-35;
- Фарғонада — 24-54-61;
- Қаршида — 3-25-79;
- Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИПАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернин босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир И. ҲАМРО, навбатчи Х. АБДУЛЛАЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартибини №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматда, 32 021 нускада босилади

Ҳажми 2 босма табақ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат тахририят руҳсати билан амалга оширилади.

Г — 0887

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.30. 1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРҲДА

ҲОКИМ ИЖОДКОРЛАР ДАВРАСИДА

ГУЛИСТОН. Вилоят ҳокими Уктам Исмоилов ижодкорлар билан учрашди. У ёзувчи, журналист ва мўйқалам соҳиблари билан суҳбатлашди. Бундай мулоқот самараси улароқ вилоятда ижод аҳли учун ма-

даният марказини барпо этиш, китоб ва публицистик асарлар танловини уюштириш ҳамда қаламқашларни рағбатлантириш борасида келишиб олинди.

Абдужалил УМАРОВ.

ЭЗГУЛИКНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

БУХОРО. Шаҳарлик 25 нафар туғма ногиронларга гилдиракли аравачалар инъом этилди. Ногиронлар жамияти шаҳар бўлими саъй-

ҳаракати билан жами 60 дан зиёд кунгли ук-сик болалар ана шундай саховат йули билан байрамона шод этилди. Даврон БАҲРОНОВ.

Жамоамиз мустақил

республикамиз аҳолисини боқий қадриятимиз —

иймон-эътиқод, покланиш ва ўзликни англаш

байрами — Рўза ҳайити билан қизгин

табриклайди. Яратгандан

барчага эзгулик ва

камолот сўрайди.



Ватанимиз ва миллатимиз келажакни юксаклаверсин!



«СУРХОНДАРЁ ПОЧТАСИ» ДАВЛАТ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ